

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 8-сон



5. Мўминов Х.А., Эрназарова З.А., Ризаева С.М., Абдуллаев А.А. *G.herbaceum* L. ва *G.arboreum* L. гўза турлари хилма-хилликларининг туричи ҳамда турлараро филогенетик муносабатлари://Монография- Тошкент.: Lesson press 2020.- 240 б.
6. Орипов Р., Остонов С. Пахтачилик- Самарқанд, 2005.- 80 б.
7. Шайхов Э.Т., Нормухаммедов Н., Шлейхер А.И., Азизов Ш.Ф., Лев В.Т., Абдурашидов Л.Х. Пахтачилик- Тошкент.: Мехнат, 1990.- 352 б.
8. Beil G.E., Atkins R.E. Inheritance of quantitative characters sorghum // Jow State J. of Sci. – 1965. – № 3. – Р. 35-37.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИГА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН *CARICA PAPAYA* L. НИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ

Эргашева Хилолаҳон Эркинжоновна¹, Исҳакова Моҳигул Орифжон қизи²

¹Наманган давлат университети
биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

²Наманган давлат университети магистранти

Аннотация: Мақолада Наманган вилоятига интродукция қилинганди *Carica papaya* L. нинг биоэколоғияси очиб берилган. *Carica papaya* L. нинг ўрганилганлик тарихи ва таксономик таркиби баён қилинган. Наманган вилоятидаги интродукция қилинганди ўсимликларнинг зарурияти асосланган.

Калим сўзлар: интродукция, таксономия, биоэколоғия, доривор ўсимлик.

***CARICA PAPAYA* L. БИОЭКОЛОГИЯ И ИНТРОДУЦИРОВАНА В НАМАНГАНСКУЮ ОБЛАСТЬ.**

Эргашевой Хилолаҳон Эркинжоновна¹,

Исҳаковой Моҳигул Орифжоновна²

¹Наманганский государственный университет

Доктор философии по биологическим наукам (PhD), доцент.

²Магистрант Наманганского государственного университета

Аннотация: В статье раскрыта биоэкология *Carica papaya* L., интродуцированной в Наманганскую область. Изложена история происхождения и таксономический состав *Carica papaya* L. Основан на необходимости интродуцированных растений в Наманганской области.

Ключевые слова: интродукция, таксономия, биоэкология, лекарственное растение.

***CARICA PAPAYA* L. INTRODUCED TO NAMANGAN REGION OF BIOECOLOGY**

¹Khilola Ergasheva Erkinjonovna, ²Iskhakova Mokhigul Orifjon daughter

¹Doctor of philosophy on biological sciences (PhD), docent.

²Master student of Namangan State University

Abstract: the article reveals the bioecology of *Carica Papaya*, introduced to the Namangan region. The history of organism and taxonomic composition of *Carica Papaya* is described. Based on the need for intraducted plants in the Namangan region.

Key words: introduction, taxonomy, bioecology, healing plant.



Ҳозирги вақтда иссиқхонада турли ўсимликларни етиштириш, қиши фаслида ҳам ерлардан унумли фойдаланиш – истиқболли ва даромад келтирадиган ўсимлик турлари ва навларини кўпайтириш ишларига катта эътибор қаратилимоқда. Иссиқхоналарда маҳсулот етиштириш иқлимий шароитларга кўпдан боғлиқ эмас, етиштириладиган маҳсулотга эса йил давомида талаб мавжуд. Аҳоли сонини ўсиш жадаллигини эътиборга олиб, Ўзбекистонда мамлакат аҳолисини юқори сифатли қишлоқ ҳўжалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилимоқда. Ҳозирги вақтда маҳаллий ўсимликлардан ташқари, бошқа мамлакатлардан келтирилган ўсимликларни интродукция қилиш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий шароитлари йил давомида етарлича ҳажмда иссиқхонада ўсадиган ўсимликларни етиштиришга имкон беради [3]. Юртимизнинг иқлим шароитига хос бўлмаган тропик дараҳтлардан бири - папайя кейинги йилларда иссиқхоначиларнинг анъанавий экин турига айланмоқда. Иссиқхона шароитида яхши ҳосил ва даромад бераётган бу ўсимлик энди кўпчилик дехқонларни қизиқтириб қўйди ва уни оммавий етиштиришга киришилмоқда. Айрим интродукция қилинган ўсимликлар ҳам истеъмолга яроли, ҳам худудларни қўкаlamзорлаштиришда манзаработ эканлиги билан ажralиб туради, бундай ўсимлик турларини кўпайтириш, Ўзбекистон шароитга чидамили бўлган флора турларини маданийлаштириш, иқлимлаштириш муҳим аҳамиятга эга [2]. Наманган шаҳри худудини қўкаlamзорлаштириш, ўсимликлардан самарали фойдаланиш борасида олиб борилган изланишлар, уларнинг ҳозирги ҳолати, манзарали дараҳт ва буталарнинг тур таркиби, улар орасида истиқболли турларини аниқлаш ва тавсия қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ҳом-ашё ўсимликларни интродукция қилиш орқали уларнинг сонини кўпайтириш, жумладан қимматли доривор ўсимлик бўлган Папайяни Наманган вилояти шароитида иқлимлаштириш, биоэкологик ҳусусиятларини аниқлаш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Папайянинг биологик ва шифобахшилик ҳусусиятлари ҳақида биолог, селекционер ва тиббиёт ходимлари томонидан турли илмий мақолалар ёзилмоқда, улар папайянинг тиббиётнинг турли соҳаларида кенг қўлланилишини асослаб берганлар. Шунингдек, папайя ўсимлигини Фаргона водийсида ўстириш мумкинлиги исботланган. Ҳозирда интродукция қилинган ўсимликлар орасида *Carica papaya* L. ўзининг шифобахшилик ҳусусияти билан кенг оммани ўзига жалб қилган. Папайя баргидан, мевасидан Папайя чойлари, Папайя асали, Папайя ёги кенг миқёсда тайёрланмоқда ва булар ёрдамида турли касалликлар даволанмоқда. Папайядан Ҳиндистон ва Жанубий Америка давлатларида қимматли доривор, озиқ-овқат экини сифатида кенг фойдаланилди. Ўзбекистонда эса ўтган асрни 80-йилларида қизиқувчан табиатшунослар томонидан Сурхондарё вилоятида тажрибадан ўтказилгандан сўнг, Тошкент шаҳрида, 2000-2005 йиллардан бошлаб, Фаргона вилоятида ва кейин Андикон ҳамда Наманган вилоятларида алоҳида хонадонларда экиб қўрилди. Лекин, папайяни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш бўйича маълумотлар егарли эмас.

Magnoliophyta бўлими, Magnoliopsida синфи, Violales қабиласи, *Caricaceae* оиласи, *Carica* L. туркуми, *Carica papaya* (қовун дараҳти) турига мансуб. Папайя танаси палмага ўхшаш, ўсимлик поясининг юқорисида 12-16 та катта-катта парраксимон баргидан иборат тўпбаргул жойлашган. Иссиқхона ҳарорати плюс 10 даражадан юқори

бўлганида яхши гуллайди. У жуда тез ўсиб, бир йилда 6 метргача етиши мумкин. Мевасининг огирилиги 2-3 кг га етиши мумкин. Папайя пишганида пўсти олтин ранга киради, ичи эса зангори, мазаси ва ҳиди янги узилган қовунни эслатади. Яшаш муддати 20 йил ва ундан ортиқ бўлиб, уни 3-4 йилгача етиштириш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм *Carica papaya L.*

Маданий шакли Жанубий Мексика минтақаларида юзага келган. У тропик минтақаларнинг асосий меваларидан бири бўлиб, истеъмол қилинади. Ғарбий Хиндистоннинг баъзи оролларида у “павпав” деб танилган. Биринчи бўлиб испан олими Оведо томонидан 1526 - йил Кариб қирғоги, Панама ва Колумбияда тавсифланган. Папайя шоҳ-шаббасиз кичик дарахт, ягона пояга эга. Барглари пояда спирал ҳолда жойлашган. Мевасининг кўриниши, тузилиши, таъми, ҳатто кимёвий таркиби ҳам қовунга яқин. Шунинг учун ҳам уни - қовун дарахти дейишади [1]. Испаниялик денгизчилар Папайяга илк бор дуч келган ва бу ҳақида ёзма равишда - тепасида соябонсимон барвлар, остида эса таъми қовунни эслатувчи мевалар осилиб турари деб таъриф берган. Бундан ташқари уни – “нон дарахти” деб ҳам номлашади. Чунки оловда пиширганда ундан нон ҳиди келади. Ўсимликнинг замонавий номи –“абабай” сўзидан келиб чиққан. Кариб денгизи оролларида яшовчи аҳоли уни шундай ном билан аташган. Европаликлар бу ўсимлик билан илк бор XV асрда Колумб Американи кашф қилгандан сўнг танишган. Кубаликлар унинг ичи витаминалар, ферментлар ва фойдали минераллар билан тўла бўлганлиги сабабли – “Фрута де Бомба” (бомба- мева) деб аташади. Коста Рика ва мексикаликлар уни ҳар қандай касалликларга даво бўлганлиги сабабли – “Саломатликни сақловчи дарахт” деб номлайдилар. Флориданинг туб жой аҳолиси Папайя баргидан кир ювища кўп фойдаланганликлари учун бу ўсимликни – “негритян совун дарахти” ҳам дейишади. XVI асрда Васко да Гама Папайяга – “Хиндистоннинг олтин дарахти” деб ном берган. Индонезияда папайянинг баъзи навлари уч ойдаёқ гуллайди ва мева тугади, 5 йил яшаб ҳаёт фаолиятини тутатади [3]. Таркибида глюкоза, фруктоза, органик кислоталар, оқсил ва турли витаминалар мавжуд. Шунингдек, унинг таркибида ўсимлик ферменти - папаин бўлиб, у худди ошқозон шираси каби таъсир



қиласи. Папайянинг яшил меваси, барги, поясида латекс деган сутсимон шира бўлиб, унинг таркибида протеологик ферментлар, олма кислотаси, катрон бор [4].

Ўзбекистон шароитга мос бўлган ўсимлик турларини танлаш, интродукциялаш, иқлимлаштириш, уларнинг биоэкологиясини ўрганиш, ялпи қўпайтириш ва тарқатиш, талаб даражасида вилоятларни ўсимликлар билан таъминлаш ишларини олиб боришта юртимизда шароитлар егарли. Бу борада, *Carica papaya* ўсимлиги хом-ашёбоп, доривор, мой берувчи, манзарали, серҳосил, шунингдек Наманган вилояти шароитига мослашувчан эканлиги билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Долгов В.С. Интродукция растений и животных- Основа селекции. М.:, "Лань", 2019 й.
2. К. Қобулова Папайя (*Carica papaya*) ўсимлигини Фаргона шароитида иқлимлаштиришни биоэкологик хусусиятлари / битириув малакавий иши. 2013, 35-46 б.
3. <https://www.botanichka.ru/article/papaya/>
4. <https://www.agro.uz/uz/services/useful/4308/>

ФАРГОНА ТИЗМАСИ ДЕНДРОФИЛ ШИРАЛАРИНИНГ (НОМОРТЕРА, АРХИДИНЕА) ЭКОЛОГИК ГУРУҲДАНИШИ

Хусанов Алижон Каримович,

Андижон давлат университети, зоология ва биокимё кафедраси доценти, биология
фанлари доктори (DSc)

Аннотация. Мақолада Фаргона тизмаси бўйлаб 2006-2020 йиллар мобайнида олиб борилган афидологик тадқиқотлар давомида дендрофил турларнинг биоэкологик хусусиятлари ва экологик классификацияси бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. Афидофауна, дендрофил, биотоп, экологик гуруҳланиш, шилви, тобулги, қайрагоч, ёввойи атиргул.

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ДЕНДРОФИЛЬНЫХ ТЛЕЙ (НОМОРТЕРА, АРХИДИНЕА) ФЕРГАНСКОГО ХРЕБТА

Хусанов Алижон Каримович,

Андижанский государственный университет, доцент кафедры зоологии и биохимии,
доктор биологических наук (DSc)

Аннотация. В статье представлена информация о биоэкологической характеристики и экологической классификации дендрофильных видов при афидологических исследованиях, проведенных Ферганского хребта в 2006-2020 гг.

Ключевые слова. Афидофауна, дендрофил, биотоп, экологическая классификация, жимолосность, спирея, вяз, шиповник.

ECOLOGICAL CLASSIFICATION OF DENDROPHILIC Aphids (НОМОРТЕРА, АРХИДИНЕА) OF THE FERGANA RIDGE

Khusanov Alizhon Karimovich,

Andijan State University, Associate Professor of the Department of Zoology and Biochemistry,
Doctor of Biological Sciences (DSc)



14	Юқори зичликли полиэтилен асосидаги нанокомпозитлар хоссалари Ниёзкулов Ш. Ш, Каримов М.У, Джалилов А.Т	70
15	Кимёвий масалаларга математик ёндашув Рахимов Ф.Ф, Содикова М. И	74
16	Пахта тозалаш заводлари шароитида пахта толасини намлаш усули ва қайта ишланган толаларнинг хоссалари Сапаров С.Х, Айходжаев Б. Б, Эркаев А.М	78

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

17	G'o'zaning <i>g.hirsutum</i> l. turiga mansub bo'lgan monosom liniyalarni <i>g.barbadense</i> l. turiga mansub bo'lgan pima 3-79 liniyasi bilan chatishirish asosida olingan f₁ larni tuguvchanligi, chigit unuvchanligi va nihollarning yashovchanligi Boboxujayev Sh.U, Sanamyan M. F, O'ralov J. S	82
18	Особенности павловнии и интродукция гибрида 9501 в Узбекистан Жаббарова С.Х., Комилов Д.Ж., Кушанов Ф.Н.	87
19	Changes in the experimental study of the thyroid status of the thyroid gland in the body against induction of the system of liver monoxygenasis Yuldashev N.M, Rasulova M.T	92
20	Melanin saqllovchi <i>azospirillum</i> avlodiga mansub bakteriya shtammlaridan melaninni ajratish bo'yicha usullar skriningi Rahimova K.A, Mardonov I.H, Shakirov Z.S	96
21	Арпа донининг бўртишига кадмийнинг таъсири Абдикулов З.У, Маматқурова Н	99
22	Зомин миллий табиат буги бриофлорасининг таксономик таҳлили Абдирасулов Ф.А, Жалов Х.Х, Жабборов М. А	106
23	Мактаб ўқувчиларида жисмоний ва ақлий ривожланиш ўртасидаги боғлиқликнинг айрим жиҳатлари Абдувалиева Ф.М, Хушматов Ш. С	111
24	Йирик гулли магнолия (<i>m.grandiflora</i> l.) нинг вегетатив органларидан интенсив қўпайтириш технологияси Бахрамов Р.М	118
25	Қумли тупроқларда азотли ўғитларнинг гўза ҳосилдорлигига таъсири Исақов В. Ю, Юсупова М.А	124
26	Fўзанинг афро-осиё туричи f₁-ўсимлигига морфологик белгиларини ирсийланиши Мўминов Х. А, Арсланов Д.М	130
27	Наманган вилоятига интродукция қилинган <i>carica papaya</i> l. нинг биоэкологияси Эргашева Х. Э, Исҳакова М. О	137
28	Фаргона тизмаси дендрофил шираларининг (homoptera, aphidinea) экологик	